



Ислон Нури

Имом Термизий Абу Умома розияллоху анхӯдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бирон бир қавм ҳидоятда бўлганидан сўнг адашса, бунинг жазосига - уларга талашиб-тортишиш берилади», дедилар, сўнг ушбу оятни ўқидилар: «**Улар** (бу мисолни) **сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар!**» (Зухруф: 58).

Имом Термизий Абу Умома розияллоху анхӯдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бирон бир қавм ҳидоятда бўлганидан сўнг адашса, бунинг жазосига - уларга талашиб-тортишиш берилади», дедилар, сўнг ушбу оятни ўқидилар: «**Улар** (бу мисолни) **сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар!**» (Зухруф: 58).

Имом Термизий Абу Умома розияллоху анхӯдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга энг ёқимсиз одам хусуматгўй ва жанжалкаш кимсадир».

Имом Термизий Абу Умома розияллоху анхӯдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга энг ёқимсиз одам хусуматгўй ва жанжалкаш кимсадир».

Имом Термизий Абу Умома розияллоху анхӯдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳга энг ёқимсиз одам хусуматгўй ва жанжалкаш кимсадир».

Абу Довуд Абу Умома розияллоху анхӯдан ривоят қилган ҳадисда



Ислom Нури

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ўзи ҳақ бўлса ҳам талашиб-тортишмаган киши учун жаннат чеккароғидан уй берилишига, ҳазиллашиб бўлса-да ёлғон гапирмаган киши учун жаннатнинг ўртасидан уй берилишига, хулқини гўзал қилган киши учун жаннатнинг энг юқори қисмидан уй берилишига мен кафилман».

«...»

Имом Термизий Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Менга энг суюмли бўлганингиз ва қиёмат куни менга яқин ўтирадиганингиз ахлоқи гўзал бўлганларингиздир. Мен учун энг ёқимсиз ва қиёмат куни мендан энг узоқда ўтирадиганингиз вайсақи, мақтанчоқ ва мутакаббир кимсалардир».

Шарҳ:

Тортишиш ва ботил нарсалар устида жанжаллашиш тил ва дил офатларидан бўлиб, мусулмонлар ўртасида ажралиш ва ихтилофларга сабаб бўлади, бир-бирларига нисбатан нафрат келтириб чиқаради, вақтларини беҳуда кеткизади. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан огоҳлантирдилар ва ундан сақланган кишига қиёмат кунида катта ажрлар берилишини ва ўзларига энг яқин ўринда ўтиришини ваъда қилдилар.



Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Беҳуда тортишувларни тарк қилишга тарғиб;
2. Қаттиқ хусумат қилишдан огоҳлантирув;
3. Тортишув ва жанжалнинг кенг ёйилиши залолат аломатларидан;
4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вайсақи ва катта гапирадиган одамларни ёмон кўрганлар ва қиёмат куни ундай кимсалар у зотдан узоқ бўладилар.